

Мусулмон ёзувчи Нобел мукофотини олди



15:40 / 08.10.2021 2123

Адабиёт бўйича 2021 йилги Нобел мукофоти лауреати Буюк Британияда яшовчи танзаниялик Абдулраззоқ Гурнага тақдим этилди. Бу ҳақда Швеция Қироллик Фанлар академияси Нобел қўмитаси маълум қилди. Абдулраззоқ Гурна «маданиятлар ва қитъалар орасидаги жарликда мустамлакачиликнинг оқибатлари ва қочқин тақдирини муросасиз ўргангани» учун мукофотланган, дейилади қўмита хабарида. Соврин эгасига Швеция академиги томонидан 1,14 миллион АҚШ доллари берилади.

Абдулраззоқ Гурна 1948 йилда Занзибар оролида араб миллатига мансуб мусулмон оиласида туғилган. 20 ёшида у Буюк Британияга кўчиб келган, Кент университетига докторлик унвонини олган ва ҳозир инглиз тили бўлимининг аспирантурасига раҳбарлик қилмоқда.

73 ёшли Гурна 10 та роман муаллифи бўлиб, шулардан энг машҳури «Жаннат» ва «Чўл».

«Бу мен учун жуда қутилмаган воқеа бўлди, мен узоқ вақтдан бери бу воқеа мен билан содир бўлаётганини тушуна олмадим», дейди мусулмон ёзувчи.